

ТЎМТОҚ ҚАТТИҚ ЖИСМЛАР ТАЪСИРИДА ҚОВУРҒАЛАР СИНИШИНING МОРФОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Шаробиддинов Зафар Гайибоевич

Фарғона жамоат саломатлиги тиббиёт институти мустақил изланувчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.16836883>

Аннотация. Қовурғалар синишларининг турли жиҳатлари бўйича тиббиётнинг бир неча соҳалари вакиллари томонидан кўплаб тадқиқотлар олиб борилмоқда. Дунё миқёсида ўтмас жисмлар таъсирида содир бўладиган қовурғалар синишлари жарроҳаттик шикастланишларнинг энг кенг тарқалган турларидан бири ҳисобланади ва жиддий тиббий-ижтимоий муаммо сифатида қаралади. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотларига кўра, жарроҳаттик шикастланишлар натижасида йилига 5 миллиондан ортиқ одам вафот этади ва 50 миллион киши турли даражадаги ногиронликка дучор бўлади. Бунинг ичида қовурғалар синишлари кўкрак қафаси шикастланишларининг 60-90% ини ташкил этади ва кўпинча ички органларнинг жиддий шикастланишлари билан бирга келади.

Калит сўзлар: қовурғалар, тўмтоқ қаттиқ жисмлар, морфология

Долзарблиги. Бугунги кунда хусусан, қовурға синишларининг етказилиш муддатини аниқлаш суд-тиббий экспертиза амалиётида катта аҳамиятга эга бўлган долзарб масала ҳисобланади. Бу муаммо жиноят ишларини тергов қилишда, фуқаролик ишларини кўришда, суғурта ҳолатларини баҳолашда ва бошқа ҳуқуқий масалаларни ҳал этишда муҳим роль ўйнайди. Қовурғалар синишларининг суд-тиббий ташҳисотини такомиллаштиришга қаратилган қатор илмий тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Бу борада суд-тиббий экспертиза материаллари бўйича қовурғалар синишларининг этиологик структураси, учраш даражаси ҳамда айрим эпидемиологик хусусиятларини, қовурғалар синишларида кузатиладиган морфологик ўзгаришларни ўрганиш, синишларнинг турли кўринишларида тан жароҳатларининг оғирлик даражасини аниқлаш ҳамда қовурғалар синишларида суд-тиббий экспертизаларни тайинлаш ва ўтказишни такомиллаштиришга қаратилган тавсиялар ишлаб чиқишга қаратилган илмий тадқиқотлар алоҳида аҳамият касб этади.

Тадқиқотнинг мақсади: тўмтоқ қаттиқ жисмлар таъсирида қовурғалар синишларининг морфологик хусусиятларини ўрганиш

Материал ва усуллар: Илмий тадқиқот истиқболли қиёсий кузатув тадқиқоти бўлиб, бир нечта йўналишлардан ва босқичлардан иборат. Илмий тадқиқот бир нечта соҳа ва босқичларни ўз ичига олган проспектив қиёсий кузатув тадқиқотларидан иборат илмий изланишлар тақдим этилган.

2022-2024 йиллар давомида ўтмас жисмлар таъсирида қовурғалар синишларининг 247 та ҳолати ўрганилган бўлиб, улардан Республика суд-тиббий экспертиза илмий-амалий марказининг Наманган филиалида 18 ёшдан 75 ёшгача бўлган шахсларда 143 та клиник ҳолат ўрганилган, проспектив ва ретроспектив таҳлил маълумотлари олинган. Бундан ташқари, Республика суд-тиббий экспертиза илмий-амалий марказида 104 та секцион ҳолатлар ўрганилган.

Тадқиқот натижалари: Ушбу жадвал тадқиқот материалининг жинс ва ёш гуруҳлари бўйича тўлиқ тасвирини беради. Барча ёш гуруҳларида эркакларнинг устунлиги кузатилади, аммо бу устунлик нисбатан барқарор (60-63% оралиғида)

сақланиб қолган. Ёш гуруҳлари ўртасида тахминан тенг тақсимланиш мавжуд, бу тадқиқот материалининг репрезентативлигини кўрсатади.

Барча жабрланганларга комплекс суд-тиббий текшириш ўтказилди, бу суд-тиббий эксперт врачлари кўриги, жарроҳаттолог-ортопед, рентгенолог ва керак бўлганда профил мутахассисларнинг маслаҳатларини ўз ичига олди. Шикастланишлар характери, жарроҳат ҳосил бўлиш механизми, олинган жарроҳатларнинг давомийлиги, соғлиққа етказилган зарарнинг оғирлик даражасини баҳолашга алоҳида эътибор берилди. Барча текшириш натижалари қовурғалар синишларининг жойлашуви ва характерини ҳисобга олган ҳолда махсус ишлаб чиқилган эксперт текшириш карталарига киритилди.

Биз қўйидаги тадқиқот усуллари қўлладик: суд-тиббий освидетельствование (жарроҳат анамнезини батафсил йиғиш, объектив ҳолатни баҳолаш, битиш жараёнида динамик кузатув, жабрланганлардан жарроҳат олиш ҳолатлари тўғрисида кенгайтирилган сўровнома), лаборатория диагностикаси (умумий қон таҳлили, сийдик, биокимёвий қон кўрсаткичлари, коагулограмма), инструментал усуллар (турли проекцияларда рентгенография, кўкрак қафасининг компьютер томографияси, плевра бўшлиқларини ультратовуш текшириши), морфологик тадқиқот (синишларни макроскопик ўрганиш, синиш юзларининг стереомикроскопияси, суяк тўқимасининг гистологик текшириши), шунингдек ўтмас қаттиқ предметларнинг турли таъсир механизмлари билан қовурғалар синишларининг морфологик хусусиятларини қиёсий таҳлил қилиш.

Барча текшириш ишлари динамикада ўтказилди: дастлабки мурожаат вақтида ва синишлар битиш жараёнида, бу репаратив жараёнлар динамикасини баҳолаш ва жарроҳатнинг давомийлигини аниқлашга имкон берди.

Хулоса: Энг кўп шикастланувчи қовурғалар: 4–10-қовурғалар бўлиб, механизмга хос локализация яъни бевосита локал зарба: таъсир томонидаги латерал участкаларида яқка ёки жуфт синишлар; устида ссадина/гематома бўлиши мумкин. Олдин-орқа (А-Р) сиқилиш: икки томонлама латерал серий синишлар, кўпинча тўсхайрак (грудина) синиши ҳамроҳ. Ёқлама (латерал) сиқилиш: таъсир томонида олдинги ва/ёки орқа сегментлар синиши. Юқори энергияли травма (ускорение–торможение): орқа-паравертебрал синишлар устун. Ятроген (СЛР): 3–6-қовурғаларнинг олдинги, оқохлаш зонасида кўп марта синишлар; одатда терида “зарба изи” йўқ.

References:

Используемая литература:

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Saukko P., Knight B. Knight's Forensic Pathology. 4-нашр. CRC Press, 2016.
2. Spitz W. U., Spitz D. J. Spitz and Fisher's Medicolegal Investigation of Death. 6-нашр. Charles C Thomas, 2020.
3. DiMaio V. J., DiMaio D. Forensic Pathology. 2-нашр. CRC Press, 2001.
4. Madea B. Handbook of Forensic Medicine. Wiley-Blackwell, 2014.
5. Thali M. J., Dirnhofer R., Vock P. The Virtopsy Approach: 3D Optical and Radiological Scanning and Reconstruction in Forensic Medicine. CRC Press, 2009.
6. Hartman T. K., Brogdon B. G. Brogdon's Forensic Radiology. 2-нашр. CRC Press (Elsevier), 2010.

7. Dettmeyer R. Forensic Histopathology: Fundamentals and Perspectives. Springer, 2011.
8. Marsell R., Einhorn T. A. The biology of fracture healing. Injury (taʼrip.), 2011.
9. Gerstenfeld L. C., Cullinane D. M., et al. Fracture healing as a post-natal developmental process: molecular and mechanical control. Journal of Cellular Biochemistry, 2003.